



**Дилафруз ОТАМУРОДОВА**  
Ўқитувчи  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети

### **БАДИИЙ УСЛУБНИНГ АНДРЕ МОРУА НОВЕЛЛАЛАРИДАГИ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада бадиий услубнинг машҳур француз ёзувчиси Андре Моруа новеллаларидаги айрим ўзига хос хусусиятлари унинг “Ибодатхона” новелласи мисолида ўрганилган. Адибнинг ғояни очиб беришда бадиий деталлардан моҳирона фойдаланиши асарлари таъсирчанлигини ошириб, китобхонлар томонидан севиб ўқилишига сабаб бўлган. Муаллиф Андре Моруанинг бадиий деталлардан бундай маҳорат билан фойдаланишни асос қилиб олганлигини таҳлил этган.

В статье даётся анализ некоторых особенностей художественного стиля французского писателя Андре Моруа на примере новеллы «Собор». Автор в своих произведениях обращает большое внимание на художественный стиль, использует художественные детали для того, чтобы повысить в своих новеллах экспрессивность. Поэтому его произведения имеют огромную популярность среди читателей. Кроме этого, в статье изучается характеристика персонажей новелл Андре Моруа.

In the article analysis of a particularite of art style of short stories of French writer Andre Mauro is given. The author in the products pays the big attention to art style, uses art details to raise in the short stories sensitivity. Therefore its products have huge popularity among readers. Besides, in article the characteristic of characters of short stories of Andre Mauro is studied.

**Калит сўзлар:** бадиий услуб, ғоя, бадиий детал, воқеалар ривож, бадиийлаштириш, ёзувчининг қарашлари.

**Ключевые слова:** художественный стиль, художественная идея, художественные детали, развитие событий, художественность, взгляды писателя.

**Key words:** art style, art idea, product, art details, the maintenance, succession of events, artistry, sights of the writer.

XX аср адабиётида янгича идрок ва тафаккурнинг маҳсули – бадиий асарларда муаллифга хос янгиланиш, жумладан, фикрни замонга мос тарзда тасвирлаш билан бирга асарда ёритилаётган бадиий ғояни ифодалаш ҳам адабиётда ўзига хос янги йўналиш, янги қиёфа ва янги усул касб этди. Бу

кўриниш, айниқса, XX аср адабиётида бадиий сўз усталарининг ўз асарларида айтмоқчи фикрларининг хилма-хил баён қилинишида кўпроқ кўзга ташланади.

Кенг китобхонлар оммаси орасида маълум ва машҳур XX аср француз адабиётининг буюк намояндаларидан бири Андре Моруа асарларининг адабиёт ихлосмандлари томонидан ардоқланиб, севиб ўқилишининг сабаби – адибнинг *ҳаётни бадиий идрок этиши*ни жуда эрта бошлагани билан боғлаш мумкин.

Андре Моруа асарларида инсон қалби, унинг изтироблари, ҳис-туйғулари аниқ кўрсатиб берилган, қаҳрамонлар кечинмалари билан боғлиқ муаммолар ечимини асарнинг ўзидан топиш мумкин.

Жумладан, ёзувчининг “La Cathédrale” – “Ибодатхона” новелласининг таҳлили ёзувчи маҳоратини ўрганишга йўл очади.

Ҳажман кичик бўлган ушбу новеллада тасвирланган, бир қарашда жуда жўн кўринган воқеа-ҳодисалар замирида муаллиф долзарб ва катта муаммони ифодалашга муваффақ бўлган. Соддагина кундалик ҳаёт материаллари, воқеалар оқими китобхонни чуқурроқ ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди ҳамда шулар асосида хулосалар чиқаришига сабаб бўлади.

Моруа ижодида новелла бадиий услубдан маҳорат билан фойдалана олганлиги бошқа адабий жанрлардан устунлик қилади. Бу ҳодисани “La Cathédrale” – “Ибодатхона” новелласида ҳам кузатиш мумкин. *Ўзи асли провинциялик, лекин Парижда таҳсил олаётган талаба* ҳаётини акс эттириш орқали баён этилган воқеалар тасвирида бадиий услуб – янгича ифода кашф этилади. Бунда бадиий ғоя кўпроқ қаҳрамонлар характерини акс эттирувчи вазиятлар орқали очиб берилади. Бу тасвирлар воқеалар ривожиди туб бурилишлар ясаб, новелланинг таъсирчанлигини оширади ва пировард натижада китобхоннинг бадиий ғояни англаб етишга бўлган қизиқишини янада ошишига сабаб бўлади. Новелладаги бундай туб бурилишларни Моруа қалбидаги энг соф туйғулар ифодасининг ўзгача бир талқини дейиш мумкин. Сабаби – ҳикояни ғоявий нуқтаи назардан иккига бўладиган бўлсак, иккинчи ярми биринчи қисмидан тубдан фарқ қилади. Чунки қаҳрамонлар ҳаётига хос воқеалар, тасвирларнинг бир-бирига қарама-қарши маъно касб этиши муаллиф томонидан ўзига хос услубда намоён этилган.

Мазкур новеллада адиб томонидан тасвирланган воқеалар ўз даври ва бугунги кун китобхонлари учун жуда оддий кўринади. XIX аср: Париж кўчалари, санъат асарлари билан савдо қилувчи дўкон, талабанинг ҳаётидан лавҳалар ва қариллик лаҳзалари. Бунда талаба образиди ноодатий, ноанъанавий, маънавий шу билан бирга ахлоқий қиёфа ҳам ўз аксини топган. Ёзувчи бирмунча сирли, шу билан бирга, анчагина мураккаб характерга эга персонажни тасвирлашда ушбу қаҳрамон тақдиридаги армонни ҳам кўрсатиб

Ўтиш мақсадида турли хил талқин ва услубларга мурожаат қилган ва талаба-қахрамон ички дунёсини тўлароқ очиб беришга интиланган.

Новелла қахрамони талаба-йигит машхур рассом Эдуард Маненинг “La Cathédrale de Chartres” асарини ёқтириб қолади ва уни сотиб олмоқчи бўлади, лекин бор пулини ўз маъшуқасига сарфлаб, орзуси армонга айланиши каби оддий кундалик воқеалар тасвирида улкан мақсадлар ётади. Аслида эса, ёзувчи айтмоқчи бўлган фикр, у кўтарган муаммо билан биргаликда танлаган мавзу долзарбдир. Новеллада муҳаббат ҳақидаги ёзувчининг ўз фикрлари ва карашлари моҳирона ифодаланган.

Новелла қахрамони талаба йигит – ақлли, гўзалликка ошуфта, ўзгача бир дид эгаси. Унинг қалбидаги ушбу ошнолик ўша пайтлари тасвирий санъат асарларига қизиқувчилар орасида унинг асарларини тушуна оладиган *фақатгина бир неча ихлосмандлари бўлган* рассом Э. Маненинг картинасига бўлган меҳрни орттиради. Талаба асарни сотиб олишни шу даражада хоҳлайдики, ҳатто *“пулга ўта муҳтожлик сезган пайтда қарз сўраши мумкин”* лигини эслаб, провинциялик амакисига хат ёзади ва ундан қарз сўрайди.

Ўша куни маъшуқаси унга бошқа шаҳардан пансионатдаги ўртоғи меҳмонга келиши, эрининг жудаям бандлиги туфайли шаҳарни бирга айланишни таклиф қилади. Йигит буни рад этолмайди ва оқибатда бир ой яшашга етадиган пулини сарфлаб, ўзи бир чақасиз қолади, ҳамда ўртоғидан қарз олади.

Донолар бисотига мурожаат қиладиган бўлсак, буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино айтганларидек “Ёрдам беришнинг гўзаллиги ундан кишининг тасалли топишида кўринади”(1, 95). Тоғасидан келган хат ва пул унга катта тасалли бўлади. Ёзувчи талабанинг ақллилиги, диёнатлилиги, аммо бир оз гўрлиги, гўзаллик олдида кучсизлиги, бефарқ бўлолмаслигини фактлар билан аниқ тасвирлаб беради.

Амакиси томонидан жўнатилган хатни қўлга олиши биланоқ ўртоғидан олган қарзини тўлайди ва қолган пулга маъшуқасига совға олади. Шундай қилиб, амакиси юборган пул тугайди. У ёқтирган, сотиб олишни жудаям хоҳлаган машхур импрессионист Эдуард Маненинг “La Cathédrale de Chartres” картинасини бошқа бир коллекционер сотиб олади, кейинроқ бу одам ўзининг бисотидаги ҳамма ўзига тегишли картиналарни Лувр музейига васиятнома орқали қолдиради.

Новеллада воқеалар ривожини жадаллик билан давом этади ва туб бурилиш ҳосил бўлади. Талаба энди қариган, ўша давр машхур ёзувчилардан бирига айланган, лекин у қариса-да, кўнгли ёш, ҳалиям гўзаллик олдидан бефарқ ўтолмайди. Ёзувчи талабанинг тушунарсиз тақдири ҳақида хикоя

килар экан, унинг аёлга муносабатини аниқ-тиниқ қиёслайди. *Юзлари буришган, қачонлардир гўзал кўринган кўзлар остида халтачалар ҳосил бўлган, лаблари устида кулранг туклар пайдо бўлган, оёқлари ўзига бўйсунмай, қийинчилик билан қадам ташлаётган унинг ёшликдаги маъшуқаси – энди унинг кўшниси.*

Шу ўринда ёзувчи воқеалар ривожини яна қаҳрамонлар орқали ифодалайди ва китобхонга айтмоқчи бўлган мақсад ва фикрини айтишга собиқ маъшуқасини тасвирлаш орқали эришади: *...ёшлигида жаҳлдор бўлганлигини эслаб, саломлашиб, тўхтамасдан ўтиб кетади ва уни қачонлардир севганлиги ҳақида ўйлашдан ҳатто жирканарди.*

Андре Моруа талаба ёқтирган картинадан асарнинг бадиий детали сифатида фойдаланади. У воқеаларни новелланинг қаҳрамонлари ҳаракати билан боғлаб, асар ҳақидаги ўз қарашларини китобхонга кўрсата олади. Ёшлигида сотиб ололмаган ўша картина қаҳрамон қалбида армон ҳосил қилади ва бу армон уни тез-тез Лувр музейига етаклайди. *Баъзида у Лувр музейига ташириб буюриб, “La Cathédrale” асарини жойлашган залга киради.*

Новеллага ном беришда рамзийлик бор. Ёшлик, севги-муҳаббат йўлида ўз кечинмаларини қурбон қилиб, ўзи армонда қолган инсон қалбини ёзувчи рамзий маънода тасвирлаб, новеллага ҳам “La Cathédrale” – “Ибодатхона” деб ном берган. Китобхоннинг бутун фикри, диққатини битта нуқтада жамлаш ниятида адиб новеллани қуйидагича яқунлайди: *У картинага узоқ вақт тикилади ва чуқур хўрсинади.*

Ҳаётда учрайдиган бу каби воқеа-ҳодисалар ёзувчи томонидан бадиийлаштирилиб, муайян хулоса чиқариш мақсадида ўқувчи ихтиёрига топширилган. Новеллада ёзувчи кўзлаган мақсадига эриша олган, деб айтиш мумкин.

Инсон қалби, унинг изтироблари, руҳий кечинмалари тасвирланган бу новелла даврлар ўтиши билан ўз бадиий қийматини ҳеч ҳам йўқотмаслиги жиҳатдан айниқса аҳамиятга эгадир.

Ёзувчининг қарашлари аёл ҳамда эркак ўртасидаги инсоний туйғуларнинг ҳар доим ўзгариб, янгиланиб туришига ҳам қаратилган. Андре Моруа ўз асарида қаҳрамонини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан айбдор деб ҳисобламайди, балки ҳаётда мана шу сингари ҳолатлар юз бериши мумкинлигини китобхонга эслатади.

Ёзувчининг нияти инсон тақдирига алоқадор айрим бадиий чизгиларни кўрсатиш билан бир қарашда оддий, аслида эса бирмунча ачинарли ҳолатга сабабчи бўладган воқеалар ҳақида китобхонни мулоҳаза қилишга ундашдан иборат.

“La Cathédrale” новелласида ҳам муаллифнинг бошқа новеллалари каби асар сўнгида хулоса берилмайди. Бу ҳам ёзувчи услубига хос бир жиҳат. Чунки мазкур новелла охиридаги жумлада Моруанинг муҳаббат ҳақидаги барча кечинмалари мужассам ва у китобхонни ҳаяжонга солади, ўйга толдиради, қаҳрамонлар дунёси билан яшашига сабабчи бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Донолар бисотидан // Тил ва адабиёт таълими журнали . Тошкент, 2007/5. 95-б.
2. Maurois A. Nouvelles. La Cathédrale p. 72-73
3. Қахҳор А. Энг яхши ҳийла – тўғрилиқдир// Филология масалалари. Тошкент – 2007/2 (15)-сон. 18-б.